



Сокин тун уйкуси ширин бунчалар,

Кушлар ухлаётир, ухлар гунчалар.

Одамлар гафлатда ётган кечалар,

Сизнинг уйкуйингиз бедорлик бўлди.

Нафсингизга огир жудолик бўлди.

Кимларга дунёдан насиба бўлиб,

Бойликлар юкидан колдилар толиб.

Хар битта харфига ўн савоб олиб,

Сизнинг насибангиз тиловат бўлди.

Куръон лаззатидан халоват бўлди.

Ёшгина эдингиз, ўйиндан кечиб

Жажжи кўлингиз-ла Куръонни кучиб,

Тиловат пайтида шайтонлар кочиб,

Шу онда тушгани сакинат бўлди.

Бошингиз устида аминат бўлди.

Куръон ўкигучи бир фожир киши,

Бемаза райхондир, лек хушбўй иси,

Куръонсиз мўминлар хурмодир мисли,

Сизнинг мисолингиз мандарин бўлди.

Аларнинг ичинда сарварин бўлди.

Сўз ҳам эшитмассиз, кўзингиз унда,

Лаззатга чўмилиб ўкийсиз тунда.

Сиз буюк Куръонни ёдлаган кунда,

Отангиз кувончи бир олам бўлди.

Онангиз кўзлари бахтдан нам бўлди.

Хонзодабегим Дониёрова